Буюк Горькийни кўриш ва сўзларини эшитиш шарафига эришганларданман. 1935 йилнинг март ойида эди шекилли (агар янглишмасам), СССР совет Ёзузчилари союзининг пленумида Горькийнинг сўнгги сўзи бўлди. Ўзи кариган сари рухи ва инкилобий гайрати орта борган бу улуг чол, кучли олкишлар остида минбарга чикди. Олкишлар нихоят тўхтади-да, секин ва паст овоз хамда Нижгород лахжасининг баъзи бир таъсирлари билан, сўзга бошлади. Овозида карилик таъсирлари ўзини кўрсатарди, яъни орка каторлардан товушини эшитиш кийинрок эди. Бу кекса овоз билан айтилган сўзларда ажойиб бир ёш жонлилик бор эди. Бу жонлилик хатто жуда кичкина, оддий кўзга майда каби кўринатургон нарсаларда хам кўринарди. Чунончи, у инкилоб душманларининг кишлоклардаги бир игвосидан гапирди. Улар тракторга карши ташвикот киларкан, трактор овозидан кўркиб баъзи бир кушларнинг кочиб кетганларини, холбуки, уларнинг кишлок хўжалигида зарарли хашорот билан курашувчи фойдали кушлар бўлганини айтар эканлар. Улуг устоз, совет ёзувчиларини душманнинг кураш тактикасидаги шундай кичкина жихатларига хам кўз юммасликка чакирди. Бу, нотикнинг турмушни кандай яхши билганини кўрсатиб турар ва бизларни хам шунга ўргатиб турарди.

Мен Горькийнинг энг зўр ва тўнгич асарларидан «Она»ни таржима килиш шарафига хам эришганларданман. Таржиманинг сифати тўгрисида бошкалар гапирар. Мен ўзим факат шуни айтаман: наср тилини тарашлашни мен бошлаб Горькийдан ўргандим. У, менимча ўзи ишлатадиган тилни жуда яхши кўради, уни хар кандай камчиликдан озода холда кўрмак истайди. «Она»нинг тили мана шундай бир тил. «Она» мен учун катта бир мактаб бўлди. Ўзимнинг «Кеча ва кундуз» номли романимда мен хам бу буюк услубчининг унумли таъсирини доим сезиб турдим.

Совет ёзувчилари унинг инкилобий рухини, пролетарча мардлигини, жахоншумул гражданлигини, сўнгра классик тили ва услубини, хатто таржима оркали бўлса хам доим ўзларида сезажаклар.

Катта мактаб эгаси. — Макола «Кизил Ўзбекистон» газетасининг М. Горький вафотига багишланган 1936 йил 20 июнь сонида эълон килинган.

Нижгород лахжаси — Горький тугилган Нижний Новгород худудида яшовчиларга хос шева хусусиятлари, айникса, «о» га ургу берилиши назарда тутилмокда.

«Она»ни таржима килиш шарафига хам эришганларданман...» — Горькийнинг «Она» романи Чўлпон таржимасида 1936 йилда Ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан нашр килинган.